



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИСЛОХОТЛАР ФАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг виртуал
қабулхонасига муаммолари
тезда ҳал қилинаётгани учун
юртдошларимиз миннатдорлик
хатлари жўнатмоқда**

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида «Юксак иродали инсонга суяниш мумкин»лигини таъкидлаган: «Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади».

Бугун Ўзбекистон ҳукумати порталида фаол ишлаётган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига (pm.gov.uz) юртдошларимиздан муаммолари, ариза ва шикоятлари тезда ҳал қилинганлиги учун миннатдорлик хатлари, ҳаётий тақлифлар келиб тушмоқда. Уларни ўқиркансиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги «Куч — адолатда» шiori барҳайт ва бардавомлигига, Биринчи Президентимиз таъкидлаган «ирода — бу аслида мустақкам ишонч» ҳикмати нақадар ҳаётий ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўласиз.

Янгийўллик Алишер Турсунов шу йил бошида туман Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ўтказган танловда ғолиб бўлиб, 38 гектар ерда «Бахт Камол Эрки» фермер хўжалигини ташкил этган. Фермернинг айтишича, бу йил ғалла шартномасини 110 фоизга бажариб, нияти ғалланинг пулига кичикроқ бир трактор сотиб олиш эди. Бироқ «Ўздонмахсулот» АК таркибидagi «Ғалла-Алтег» акциядорлик жамияти фермер хўжалигининг 50 миллион сўм пулини бермай, тadbirkорни уч ой сарсон қилган.

— Шу уч ой ичида деярли барча ваколатли ташкилотларнинг «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилдим, фойдаси бўлмади, бу ёқда ерни ҳайдаб берган тракторчилар кунора уйимга келиб пулини қистайди, — дейди А.Турсунов. — Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаатимдан сўнг уч ойда битмаган ишимни уч кунда ҳал қилиб беришди: қўнғилим тоғдай кўтарилиб кетди, тракторчилардан ҳам қарзимни уздим. Бу виртуал қабулхона биз, тadbirkорлар учун суянч тоғи бўлмоқда, бу бизни янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

► Давоми 3-бетда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Сайлаш ҳуқуқи кафолатланади

Асосий қонунимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулликлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда беvosита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилиши қайд этилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши мумкинлиги мустақкамланган. Яъни, халқ ваколат берадиган органлар қайсидир орган ёки мансабдор шахс томонидан тайинланмайди, балки беvosита халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайловларда яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Мамлакат фуқаролари ўзларининг номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахсларни беvosита сайлайдилар. Бунинг моҳиятида нафақат маълум бир номзодни танлаш, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсати бўйича энг муносиб ҳамда халққа маъқул дастурни қўллаб-қувватлашдек долзарб масала ҳам туради.

► Давоми 2-бетда.

САЙЛОВ — 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида округ ҳудудидаги участка сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.



САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиялари таркибини қонунда белгиланган талаблар асосида кўриб чиқиб, вилоят ҳудудидаги 980 сайлов участкаси бўйича комиссиялар таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Участка сайлов комиссиялари таркибига таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари, корхоналар ва

жамоат ташкилотларида фаолият олиб бораётган обрўли, ташкилотчилик қобилияти ва сиёсий билими юқори, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини яхши тушунадиган раҳбар ходимлар киритилди.

Округ сайлов комиссияларининг ҳозирги таркиби аввалгилардан сифат жиҳати-

дан бирмунча фарқ қилади. Бу аёллар, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари кўпчилигини ташкил этаётганида кўринади.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сай-

лов комиссияси раиси Н.Собиров комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Сайлов кампанияси жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ҚУРУЛТОЙДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 14 октябрь кuni Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг X қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод ҳамда унинг Сайловолди дастури тасдиқланди. Шунингдек, партия ташкилотларининг сайлов билан боғлиқ ташкилий ва сиёсий вазифалари белгилаб олинди. Бугунги кунда маҳаллий партия ташкилотларида қурултой қарорлари чуқур ўрганилиб, уларда кўзда тутилган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Қурултойда муҳокама этилган масалалар, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш



бўйича белгиланган вазифалар, шунингдек, Президентликка номзоднинг Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар ҳамда уларнинг

аҳамияти ҳақида депутатлар, партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

► Давоми 2-бетда.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияси матбуот маркази ходимлари ва журналистлар иштирок этган мажлисда 10-Тошкент вилояти округи ҳудудидаги участка сайлов комиссиялари аъзоларининг таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Вилоятда ташкил этилган 875 сайлов участкасида 1 миллион 943 минг 289 сайловчининг овоз бериши кутилмоқда. Участка сайлов комиссиялари ва овоз бериш биноларининг манзили, сайлов участкасининг

денти сайлови тўғрисидаги қонун талабларига муvофиқ сайлов участкалари комиссиялари таркибига номзодлар тавсия этилди. Номзодлар орасида педагоглар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари кўпчилигини ташкил этади.

Участка сайлов комиссиялари раиси, унинг ўринбосари, котиби ва аъзолари учун кўрсатилган номзодлар таркибининг 52 фоиздан ортиғи аёллардир, — дейди 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Х.Ҳамидов. — Номзодларнинг 68 фоиздан ортиғи илгари участка сайлов комиссия-

лари таркибига фаолият кўрсатган. Бу муҳим сиёсий тadbirkорнинг юксак савияда ўтишини таъминловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди. Унда 875 участка сайлов комиссиясига 8 минг 173 аъзо таркиби тасдиқланган ҳамда вилоятда сайлов ўтказишга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида атрофлича маълумот берилди.

И.АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

18 ОКТАБРЬ — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ



АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 1996 йил 18 октябрь кuni Самарқандда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида шаҳарга шундай таъриф берган эди

Дунёда тарихий шаҳарлар кўп. Уларнинг ҳар бирига инсоният ўтмишида тутган ўрни ва бугунги тараққиёти, цивилизация ривожидagi аҳамияти, маданияти, сайёҳлик ва савдо-иқтисодий салоҳиятига кўра баҳо берилди. Қадимий ва ҳамиша навиқрон, ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари деган таъриф тавсифлар билан ташбеҳланган Самарқанд ана шундай шаҳарлар орасида алоҳида эътиром билан тилга олинади.

Бу қадимий ва муқаддас заминнинг азалдан илм-фан, маданият,

савдо ва ҳунармандлик маркази, халқимизнинг юксак ақл-заковати, бунёдкорлик салоҳиятини дунёга намойён этган буюк алломаларга бешик бўлган ҳақида тарихий манбааларда асосли фикрлар келтирилган.

Самарқанд илк бор қадимги Туронзаминнинг биринчи ҳукмдори — Алп Эр Тўнга (Афросиёб) давлатининг пойтахти бўлган. Кейинчалик бу шаҳар Шарқ ва Фарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси сифатида цивилизация марказига айланган.

► Давоми 4-бетда.

САЙЛОВ — 2016

■ Номзод ўз дастурида биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий такомиллаштириб бориш масаласини ўртага ташлаган.

ҚУРУЛТОЙДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР



Ёқуб УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мехнат ва ижтимоий
масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:



Дилбар
МАМАЖОНОВА,
ЎзХДП Фарғона вилоят
кенгаши раиси:

тажрибамиз етарли. Сайловолди ташвиқот жараёнида куч ва имкониятларимиздан самарали фойдаланишимиз талаб этилади.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори асосида вилоят кенгашида сайлов штабни тўзди. Унга энг маънавий ходимларимиз ва экспертларимиз жалб қилинди. Сайлов кампаниясининг барча жараёнлари давомида ишчи юқори даражада ташкил этиш учун зарур бўладиган шарт-шароитлар яратилди.

Албатта, ушбу штаблар партия ташкилотлари, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва бошқа фаолларимизга, шунингдек, ўтказиладиган тадбирларга, ташкилий, ахборот-таҳлилий, моддий-техникавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиб бориш талаб қилинади.

Яна бир муҳим жиҳати, сайловда партиянинг томонидан кўрсатилган номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, сайловолди тарғиботини олиб бориш, давлат

ва жамоат ташкилотлари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилиш, ишончли вакилларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз зарур.

Президентликка номзоднинг ишончли вакилларини тайинлашда партиянинг энг салоҳиятли, обрў-этиборга эга ва фаол аъзоларини танлашимиз ҳамда уларнинг ўз ваколатларини тўлақонли амалга ошириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

Таъкидлаш лозимки, партиянинг ушбу жараёндаги асосий кучи минтақавий, маҳаллий ва бошланғич даражадаги партия ташкилотлари, тарғиботчилар ҳисобланади.

Шунингдек, номзодга тушган савол ва бошқа муносабатларни тезкорлик билан умумлаштириб, фуқароларга ўз вақтида қоникари жавоб беришда қўмаклашиш минтақавий ва маҳаллий кенгашлар олдида турган муҳим вазифалардан бири, деб ўйлайман.



Улурбек БЕКТЕМИРОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш сектори мудири:

— Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи муҳим ўрин тутди. Юртимиз аҳолисининг катта қисmini ёшлар ташкил этади. Шундай экан, улар иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар ўтказиш, сайлов ҳуқуқининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз келажакдаги белгиланган аҳамиятини тушунириш долзарб вазифадир.

Бугунги кунда партиянинг сафида 150 мингга яқин йигит-қиз бирлашган. Демак, мазкур сиёсий жараёнда «Истикбол» ёшлар қаноти томонидан амалга оширилётган лойиҳа ва тадбирларни ёшларнинг сиёсий билимларини кучайтиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, электратимизнинг биринчи марта ўз сайлав ҳуқуқидан фойдаланадиган гуруҳига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларнинг сайлов қонунчилиги тўғрисидаги тушунчаларини бойитиш, ёшлар ўртасида тарафдорларимиз сафини кенгайтириш, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастури мазмунини ҳаммабоб тарзда тушунириш талаб этилади. Хусусан, «Менинг биринчи сайловим», «Сайловда фаол иштирок этиш — менинг фуқаролик бурчим» каби лойиҳаларни ўтказишни режалаштираёмиз. Ёшлар билан ташкил этиладиган тадбирларни ўзқ қишлоқ ва туман марказларида ўтказиш янада юқори самара беради, деб ўйлайман.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, сайлов жараёнида олиб борадиган тарғибот ишларимиз, нафақат ёшларнинг муҳим сиёсий жараёндаги фаоллигини оширишга, шу билан бирга, партиянинг ёш хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

■ СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ
ҚАНДАЙ?

Депутатлик сўровлари

электрат
манфаатларини ҳимоя
қилишнинг муҳим
воситаси

Депутатлик сўрови давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширишда, қонунлар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Энг асосийси, сайловчилар, партия электратоти вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари Андижон вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 600 яқин депутатлик сўрови юборилган. Муносабатлар иқтисодий, ижтимоий, уй-ҳой, коммунал, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга оид масалаларни ўз ичига олган.

Хўш, уларнинг натижалари қандай бўлди? Электрат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик сўровлари қай даражада самара бермоқда? Ушбу муҳим институтдан янада кенг-роқ фойдаланиш учун нималарга эътиборни қўйиш керак?

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашида партиянинг сайланган 15, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 151 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Айтиш керакки, ҳокимият вакиллик органларидаги депутатларимиз партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга оширишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Масалан, жорий йилнинг шу даврига қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиянинг депутатлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 50 га яқин депутатлик сўрови билан чиқишган бўлса, бу кўрсаткич туман ва шаҳарлар кесимида 500 дан ортиқчи ташкил этди. Муҳими, уларнинг аксариятига вақтида жавоб олинди ва электрат манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни жойларда ҳал этишга эришилди.

Мисол учун, Шахрихон тумани Кўргонча маҳалласида истиқомат қилувчи Алишер Нурхонов сукултирилган газ таъминоти билан боғлиқ масалада халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Дурбек Абдурахмоновга муножаат қилди. Ўз навбатида, депутат туман газ идорасига сўров юбориб, муножаат ҳал этилишига қўмаклашди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим мутасадди ташкилотлар депутат сўровига вақтида жавоб бермапти. Менимча, бу борада тушунириш-тарғибот тадбирларини ташкил этиб бориш, таъсир чорасини қўллаш зарур.

Мисол учун, Аска тумани Обод маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси вакиллари томонидан маҳаллада тоза ичкилик суви таъминотини яхшилаш ҳақида халқ депутатлари Аска туман Кенгаши депутати Илхомжон Қодировга ёзма муножаат билан чиқишган. Ушбу масала бўйича депутат туман ҳокимлиги, вилоят «Сувоқча» ташкилотига қайта-қайта сўров юборган. Лекин масала ҳозирга қадар ижобий ҳал этилмаган.

Ҳаёт ўзгариб, кундан-кунга олдимизга янги талаблар қўйилмоқда. Депутат, мутасаддилар ҳаётга бошқача нигоҳ билан қараши, уни зийрак кузатиши керак. Қайсидир ҳудудда аҳолини ташвишлантириб келаётган муаммо бўлса, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик зарур. Сўнгги йилларда бир қатор қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида сиёсий партиялар, депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Ҳар бир депутат яратиб берилган имкониятлардан келиб чиқиб, депутатлик сўрови, ижро ҳокимияти раҳбарлари ҳисоботини эшитиш механизмида кенг фойдаланиши зарур, деб ўйлайман.

Ҳозир одамлар ислохотлар ва уларнинг маъно-мазмуни ҳамда аҳамиятини яхши тушунади, ўзлари сайлаган депутатдан фақат амалий ишлар кутади.

Сардорбек КОСИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон
вилоят кенгаши
сектор мудири.

— Сайлов халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифода этиладиган, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштирокини таъминлайдиган муҳим сиёсий жараёндир.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ва янада ривожлантириш борасида катта амалий таъриба тўпланди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи ўнга яқин қонунлар, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»-ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди.

Ўтган давр мобайнида Президент сайлови билан боғлиқ қонунчиликка қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар бериш тартибига оид, сайловчилар рўйхатини тузишга доир, сайловолди ташвиқоти, уни амалга ошириш шакллари, усуллари ва турлари ҳамда муддатларини аниқ белгилайдиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсий партиялар томонидан йиғиладиган имзо ва рақаларининг сонини қўскартиришга оид муҳим янги меъёрлар ўз аксини топди. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этиши учун яратилган қўлайликдир.

Фракциямиз аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари аъзолари сайлов кампанияси даврида сайлов қонунчилигига оид тарғибот ишларида фаол иштирок этиши керак, деб ўйлайман. Сайловолди ташвиқот ишларини кучайтиришда партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда тадбирларни юқори савидада ўтказишимиз, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз, партиямиз гояларини, Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов Сайловолди дастурида белгиланган масалаларнинг аҳамиятини кенг тушуниришимиз талаб этилади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Сайлаш ҳуқуқи кафолатланади

Шу маънода жорий йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови Ватанимиз тарихидаги гоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Чунки Президент — давлат бошлиғи. У мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, Конституция ва қонунларга қатъий риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, давлат мустақиллиги, ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлик қилишига маънуй шахс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»-ги Қонунлари билан тартибга солинган.

Мазкур қонунларда фуқароларга ўз танловларини эркин, ихтиёрий ва адолатли равишда амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб

берилиши кафолатланган. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динига муносабати, машғулотининг тури ва тенг ҳуқуқидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Қайд этиш жоизки, фуқаролар нафақат сайловда овоз беради, балки бутун сайлов жараёнини ташкил этишда қўллаб-қувватлаш, сайлов комиссиялари тартибда фаол қатнашади. Яъни, фуқаролар Президентликка кўрсатилган номзодларни дастлабки тарзда қўллаб-қувватлаш, сайлов комиссиялари тартибда фаол қатнашади. Яъни, фуқаролар Президентликка кўрсатилган номзодларни дастлабки тарзда қўллаб-қувватлаш, сайлов комиссиялари тартибда фаол қатнашади.

Сайлов қонунчилигимизда кенг турдаги муносабатлар қамраб олинган. Унга қўра, имконияти чекланган шахслар, беморлар, сайлов кўни овоз бериш имкониятига эга бўлмаганлар учун ҳам тенг шарт-шароитлар яратиб берилади. Бу ҳам фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бевосита чеклашга йўл қўйилмаслигининг амалдаги ифодасидир.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунга асосан сайловчиларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. Демак, сайловчиларнинг хоҳиш-истаги, сиёсий иродаси ифода этилиши долзарб аҳамиятга эгадир. Мазкур Қонуннинг 19-моддасида саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга қўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан муножаат этиш ҳуқуқига эга. Бунда комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шартлиги белгиланган бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»-ги Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, саноаткорлик, дам олиш уйлари, касалхоналари ва бошқа доимий ишлайдиган давлат муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин

бўлган ерлардаги турар жойларида, қамқода сақлаш жойларида сайлов участкалари тўзилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, сайлов кўни яшаш жойида бўлган сайловчилар учун ҳам сайлаш ҳуқуқи кафолатланган. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунга асосан сайлов кўни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдидан овоз бериши мумкин. Тегишли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига қўра, белгиланган шаклда бўлган, номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақаларини беради. Сайловчилар тўлиқрилан сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясига қолдиришлари мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»-ги Қонунда сайлов кўни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эгалиги белгиланган бўлади. Мuddатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Мuddатидан олдин

овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларига етказилади. Мuddатидан олдин овоз бериш амалга ошириш учун сайловчи сайлов кўнида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган арiza асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади.

Қонунчиликда айби суднинг ҳукми билан аниқланмагунга қадар шахс айбсиз деб ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда, участкалари тўзилиши мумкин бўлган объектлар сирасига қамқода сақлаш жойлари ҳам киритилган. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига қўра, фақатгина суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди.

Агар фарзандимиз ёки бирон-бир қариндошимиз ҳарбий хизматда бўлса, уларга ҳам сайлов ҳуқуқи кафолатланади. Қонунга қўра, сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тўзилади.

Бундан ташқари, амалиётда сайлов участкаларида ёш болалари оналар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, имконияти чекланган, ногирон фуқаролар учун овоз беришга қўлай тарзда жиҳозланган кабиналар ташкил қилиш изчил йўлга қўйилган. Бу ҳам сайлов ҳуқуқининг кафолати ҳисобланади.

Агар фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари бузилса, унга ўз сайлов ҳуқуқини суд йўли билан ҳимоя этиш, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланган.

Сайлов қонунчилигини бузган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари белгиланган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканидан далолат беради.

Самира САИД-ГАЗИЕВА,
юридик фанлар номзоди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 2015 ЙИЛ ВА 2016 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ДАВОМИДА ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН 138 МАСАЛА СЕССИЯЛАРДА КҮРИБ ЧИҚИЛДИ.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ —
ОЛИЙ ҚАДРИЯТМАТБУОТ
АНЖУМАНИ

Адлия вазирлиги томонидан «Юридик кадрлар тайёрлаш тизими: кеча ва бугун» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Тошкент давлат юридик университети фаолиятига оид янгилар, таълим тизимидаги истиқболли лойиҳалар, илмий-методик ишлар хусусидаги маълумотлар тақдим этилди.

Юридик
кадрлар
тайёрлаш:сифат ва самарадорлик
ошмоқда

Бугунги кунда юридик университетда ўқув жараёни дунёнинг қўлгина мамлакатларида амалда бўлган ва ўзининг қўлайлиги ҳамда самарадорлиги билан тан олинган ўқитишнинг модуль тизимига асосланиб амалга оширилмоқда. Мазкур тизим талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг ўз соҳаси йўналишларига қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув фанларини танлаш имкониятини бериш ва мустақил таълим олишнинг таъминлаш учун тўлақонли ўқув адабиётларини яратишни назарда tutadi.

Маълумки, талабаларни фундаментал базавий, шунингдек, амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалар асосида ўқитиш зарур. Шунинг учун университетнинг ўқув дастурлари Германия, Франция, Буюк Британия, шунингдек, Япония давлатлари тажрибасини ўрганиш асосида оптималлаштирилган бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологияларни қамраб олади.

Хозирда модуль тизими асосида талабаларнинг 2-курсдан бошлаб ўз хоҳишларига кўра, 5 та йўналишдан бирини танлаб юридик таълим олиш жорий этилган. Махсус фанларни инглиз тилида ўқитиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Тадбир қатнашчиларининг эътибори талабалар билимининг назорат қилиш масаласига ҳам қаратилди. Айнан шу мақсадда жорий йилнинг 22 апрелида «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шариолатларида талабалар билимининг назорат қилиш тартиби ва баҳолаш механизми» таълими бўлиб ўтди. Бу жараёнда объективликнинг таъминлаш мақсадида рейтинг дафтарчаси бекор қилиниб, талабалар рейтингини аниқлаш электрон тизими жорий этилди.

Хуқуқий фанлар бўйича янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш дастури доирасида 75 та режалаштирилган дарсликдан 65 таси нашр этилаётгани маълумот ўрнида келтирилди.

Мазкур илм даргоҳи хорижий давлатларнинг бир қатор нуфузли университетлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйган. Тулуза университети, Осака, Мия, Нагоя университетлари, Германия, Франциядаги университетлар шулар жумласидандир.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўлами, моҳият-этиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лоқал битта масала ечилса ҳам, шу шахснинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН
БУЮК ИСЛОҲОТЛАР ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ
БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз миннатдорлик хатлари жўнатмоқда

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ҳуқуқий маданияти оширишда самарали восита, ойдан кўзгу бўлмоқда. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан Гулихон Вафоева 6 октябрда жўнатган хатда шундай ёзади: «Хурматли Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини. Сизга уч масала бўйича амалий ёрдам сўраб, ариза ташлагандим: оилавий, қишлоқ шароити ва «Ucell» компаниясида мобил алоқа яхши эмаслиги ҳақида. Мутасаддилар келиб, оилавий ва қишлоқ ҳўжалиги масалаларини ҳал қилиб беришди. «Ucell» компанияси вакиллари қишлоғимизга антенна ўрнатиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Қишлоқда яшаётган биздек оддий фуқароларнинг дардида қўлқутиб, масалаларимизни ҳал этиб бераётганингиз мисолида сизнинг Биринчи Президентимиз ғояларига нақадар содиқ эканингизга амин бўлдим».

Яна бир мисол: Бухоро вилояти Олот туманида истиқомат қилувчи Норжон Сафарова яқинда дўкондан икки қоп ун сотиб олади. Айтишча, аввало, пластик картонка орқали савдо қилгани учун унга унни қимматроқ сотишди. Боз устига биринчи нав деб берилган ун анча сифатсиз бўлиб чиқди. Н.Сафарова дўкондор билан келишолмагач, адолат излаб туман солиқ идорасига боради. У ерда аёлга Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилишни айтишади. Қўмитанинг ҳудудий бошқармасидан Норжон опани Олот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборишади. Бу ерда Н.Сафарова сифатсиз унни лаборатория текширувидан ўтказиб, шу хулоса асосида судга мурожаат этиши керак эди. Икки қоп ун келтирилган шунча даҳмазадан ҳаётида ганигган аёл «икки қоп унга қуйдим-да», деб шалвираб уйига қайтаркан, телевидение орқали Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитиб қолади.

— Дарҳол 10-00 қисқа рақамига мурожаат қилдим, масала тезда ҳал бўлди, — дейди Н.Сафарова. — Ишим-ку битди, лекин ўйлаيمان-да: одам ҳатто айтишга хижолат бўладиган шундай кичик масалани Бош вазир даражасига олиб бориш керакми? Шуларни туман доирасида ҳал қилса бўлмайди? Бунга нима халал беради? Ҳаммага маълум гап: қуйи бўғинлардаги айрим раҳбар ҳодимлар қорғозда гўё ҳамма масалани ҳал қилаверар, бу муаммолар аслида ҳаётида ечилмай ёки ахвол ўзгаришсиз қолаверарди. Энди ҳеч ким бундай қилиб қўймайди. Чунки Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси мамлакатимизнинг барча жойидаги асл вазиятни ойнадай кўрсатиб беришмоқда.

Фаргона вилояти Марғилон шаҳридаги «Техуспен» МЧЖ Россияга ип-калага маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзолаган. Шу йил 1 октябрда «Агробанк»нинг Марғилон шаҳар филиали ва Фаргона вилояти бошқона бошқармачиси уланган ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида юз берган носозлик туфайли экспорт тўхтаб қолади. «6 октябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик. Банк ва божхона ҳодимларининг хизматлари туфайли 7 октябрда корхонамиздан 42 минг АҚШ долларлилик маҳсулот экспортни амалга оширилди. Тезда амалий ёрдам кўрсатиб, хорижий ҳамкорлар олдида

юзимизни ёруғ қилгани учун Ўзбекистон Бош вазиридан миннатдоримиз», дейилади «Техуспен» МЧЖ директор ўринбосари Авазхон Мўминнинг rtp.gov.uz манзилига жўнатган хатда.

Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўлами, моҳият-этиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лоқал битта масала ечилса ҳам, шу шахснинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади. У энди тонгда катта меҳнат иштиёқи ва яшаш заъқи билан уйғонади, халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётига нимадир ҳисса қўйишга чоғланади. «Маҳалламизда цемент қоплаш ишлари бажарилаётгани оқибатида зарарли чангдан ён-атрофдаги 40-50 хонадон ахли, айниқса, фарзандларимизнинг тез-тез аллергия бўлишидан азият чекаётган эдик. Бир йил давомида жавобсиз қолган аризмизни беш кунда ҳал қилиб бергани учун барчамиз Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдоримиз. Экология соҳаси ҳодимлари келиб, бу муаммага чек қўйишди», дея хат йўллаган Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилувчи Музаффар Абдурахмонов. «2014 йилдан бери ҳовлимизнинг кадастр ҳужжатини қиллолаётган эдим. Виртуал қабулхонага мурожаатимдан бир кун ўтиб, уйимга туман кадастр хизмати ҳодимлари келиб, ҳовлимизнинг кадастр ҳужжати тайёр эканини айтишди. Бу портал — чин маънода халқ минбари, муаммолар ва уларнинг ечими акс этадиган кўзгу бўлмоқда. Бунга ўз ҳаётида амин бўлдим», дея миннатдорлик хати йўллаган Тошкент шаҳри Миробод туманида истиқомат қилувчи Саида Содиқова.

Чирчиқ шаҳридан Темир Киндус шундай ёзади: «4 октябрда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Чилонзор филиали ҳодимларининг миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича берган раджаво биюасидан қилган мурожаатим эртаси қуниёқ ҳал бўлди. Муаммоларга шундай тез суръат билан самарали ечим топишга хизмат қилаётган виртуал қабулхонага раҳмат айтман». Ёки Навоий шаҳридан Бахтиёр Усеинов ҳам ўз хатига rtp.gov.uz манзилига мурожаатдан сўнг «қисқа вақтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 500 АҚШ долларини конвертация қилиб берган»ини ёзган.

Ижтимоий муаммолар ҳақида гап кетар экан, бу борада коммунал соҳа ҳамон энг оғирлиқ экани барчамизга аён. Эътиборлиси, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига коммунал соҳадagi муаммолар ҳал этилгани боис қўллаб-миннатдорлик хатлари келмоқда. Хусусан, мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида яшовчи Дилшод Абдувалиев, Миробод туманида истиқомат қилувчи Ойтул Салихова хонадонларида газ таъминотида нотўғри ҳисобланган катта миқдордаги қарздорлик бекор қилинди. Олмазор туманида яшовчи Марваридхон Ибрагимов «Катта раҳмат, прокуратура ҳодимлари электр таъминотини тиклашга ёрдам беришди. Ҳар қандай мурожаат ниҳоятда тезкорлик билан ўрганилиб, муаммолар бартараф этилмоқда», деб ёзса, «Бундай тезкорлик ва ҳозиржавобликка қўйилмиш! Шикоятимиз дарҳол ўрганилиб, муаммо барҳам топди: ҳовли саҳни тоза, озода, ҳамма ахлат олиб ташланиб, ён-атроф тартибга келтирилибди. Барчаси учун катта раҳмат!», дея раҳмат йўллаган чилонзорлик Анастасия Ли.

Турли масалаларда ёрдам ва кўмак сўраб қилинаётган мурожаатлар ҳам ўз вақтида ҳал бўлмоқда. Бухоро тумани «Шергирон» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Нигинабону Бақоева шу йил 25 сентябрда юборган мурожаати асосида иш билан таъминланди. Фаргона шаҳридан Рўздатжон Аҳмедов «мурожаатимдан сўнг мени Фаргона ҳудудий электр тармоқлари корхонасига қақаришиб, яқин кунларда иш берилишини айтишди. Ишга киришимдан ҳам кўра, Бош вазиримизнинг биздай оддий фуқароларнинг мурожаатига шундай юксак эътиборидан беҳад қувондим», деб ёзади. Хоразм вилояти Урганч туманидан Ойбек Эрназаров ҳам ёрдам сўраб ёзган мурожаати эътиборга олингани учун бир умр миннатдор эканини ўз хатига таъкидлаган: «Бугун уйимизга ҳокимиятдан мутасаддилар келиб, синглимни тез орада Тошкентга юбориб, жарроҳлик амалиёти ўтказишда ёрдам беражакларини айтиб кетишди. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмаймиш». Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг Тошкент шаҳри Яқкасарой туманида яшовчи Шахрибону Ахтамовани Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қақариб, санъатда ўз йўлини топишга ёрдам кўрсатишга ваъда беришди.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган хатлар орасида бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, миннатдорлик билдирилган тилаклар жуда кўп. Уларни бир жиҳат биланлаштириб туради: Биринчи Президентимиз Исрол Каримов асос солган ва бошлаб берган кенг қамровли ислохотлар катта шиддат ва куч-ғайрат билан изчил давом эттирилаётгани халқимиз руҳини янада кўтармоқда, эртанги кунга ишончи мустаҳкамламоқда. Термиз шаҳридан Отабек Нормуродов, Навоий вилояти Кармана туманидан Дилбар Муғинова каби тадбиркорлар Ўзбекистон Президентини вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевга шу йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулк ҳимояси, унинг дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ривожидagi бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилишни айтиб, самимий миннатдорлик изҳор қилган.

Виртуал қабулхонага ёшларимиздан ҳам қўллаб-хатлар келиб турмоқда. Чилонзорлик «Камолот» ЁИХ фаоли Дилора Мелдебекова мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида янги қўп қаватли турар-жойлар барпо этиш борасидаги хайрли ташаббус, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети С.Сирожиiddinov номидаги академик лицейи ўқувчиси Тўра Тўраев лицейи ёшлари номидан давлатимизнинг нақирон юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирган. Улар орасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 44-мактабнинг 5-синфиди ўқийётган Эмир-Асан Боқиевнинг Ўзбекистон Бош вазирига ёзган хати эътиборимизни тортди: «Бугун Сизнинг Сергели туманидаги мактаблардан бирига бурганингизни эшитиб, синфдошларим билан шу хатни ёзишга келишдик. Барчамиз Сизнинг мактабимизга келишингизни жуда хоҳлардик. Мен сурат чизишга жуда қизиқман.

Сентябрда «Самарқанд» картинасини чиздим. Агар мактабимизга келсангиз, шу суратни Сизга совға қилмоқчи эдим».

Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бўлаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолат. Бунда мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Бош вазир даражасида қўрилаётганини чуқур англаб етишлари лозим. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шошиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Бироқ шикоят қилувчи буни ўз вақтида англаб етиб, тан олса — бу ҳам маданият ва маънавий етуқликнинг бир ифодаси. Мазкур виртуал қабулхонага келаётган мурожаатларда ҳам буни кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидан Ринат Аббасов ўз хатига шундай ёзади: «2016 йил 29 сентябрда дадамнинг умумий аҳоли ва уни мунтазам даволаб келган врачлар ҳақида ёзганман. Мурожаатим текширилганда, билдимки, Хоразм вилояти онкология диспансерида ҳақиқатан ҳам кимёвий препаратлар таъминоти 30-35 фоизни ташкил этар экан. Бу препаратлар диспансерида бор пайтида дадамга тўлиқ берилган, қолган вақти ўзим сотиб олганман. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 191-бўйруғи билан таниш бўлганим сабабли врачлар ҳақида нотўғри фикрга борган эканман. Кимёвий препарат тақсироти бўйича қўнунбузарлик бўлмаганини англадим». Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани Султон қишлоғида Лочин Жўраев ҳам виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, «адашиб, нотўғри хабар ёзгани учун» кечирим сўраган: «Ўзим Тошкентда яшайман, қишлоғимда газ таъминоти етарлича йўлга қўйилган экан. Менга келган нотўғри хабарга асосланиб, Сизга илтимоснома ёзгандим. Мурожаатимни кўриб чиққанингиз учун раҳмат, англашмовчилик учун уэр сўрайман».

Маълумки, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш, ўрганиш, таҳлил этиш вақт талаб қилади. Агар мурожаатларда кўтарилган масалалар мўайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур.

...Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келаётган миннатдорлик хатлари, талаблар, тилакларни ўқиркансиз, уларнинг барида эзгу ният, эзгу сўз, эртанги кунга мустаҳкам ишонч муҳассам эканига амин бўласиз. Шунда беихтиёр Биринчи Президентимиз Исрол Каримов «Оқсак маънавият — енгилмас куч» китобида айтган буюк даъват онг-қалбимизда жаранг сочади: «Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйламанки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бакуват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ ўз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради».


Истагимиз — ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бой одамларимиз кўпаяверсин. Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси бу йўлда уларга мададкордир.

ЎЗА

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁНОБЕЛЬ
МУКОФОТИ

2016 йилги лауреати рўза тутиш фойдасини исботлади

Токио технология университети-нинг биология ҳужайралари бўйича мутахассиси Ёсинори Осуми аутофагиялар механизмининг кашф қилгани учун ушбу мукофот соҳибига бўлди. Бу ҳақда news.az сайтида хабар берилди.



Аутофагия — бу ҳужайраларнинг керакмас қисмларини фойдаланиш ва қайта ишлаш жараёнидир. Ата-ма грекча сўزلардан шаклланиб бўлиб, «ўзини ўзи емоқ» маъносини англатади.

Бу ҳодиса туфайли ҳужайралар керакмас қисмлардан, организм эса керакмас ҳужайралардан халос бўлади. Шунингдек, ҳужайралар инфекциялардан ва токсинлардан ҳам тозаланади.

Аутофагия организм стресс ҳолатларида, масалан, инсон оч қолган пайтларда ишга тушади. Бунда ҳужайралар ўзининг ички ресурслари, яъни тўпланиб қолган «қолдиқ»лардан энергия ишлаб чиқаради.

Ёсинори Осумининг кашфиёти инсон оч қолмиш чоғида, яъни рўза тутиш пайти организм чиндан ҳам тозаланишини исботлайди.

Лауреатнинг ҳамкасблари иш-онтиришча, аутофагия организм эрта қаришдан ҳам сақлайди. Янги ҳужайралар пайдо бўлиши ҳисобига ҳатто ёшартиради.


Аутофагия жараёнининг бузилиши эса Паркинсон, диабет, саратон касалликларига олиб келади.

Ёсинори Осуми Нобель мукофотини 10 декабрь куни Стокгольмда қабул қилиб олади.

ЯНГИ САЙЁРА

кашф қилинди

Мичиган университети олимлари Кўёш тизимида янги митти сайёрани кашф қилишди. Бу ҳақда The Washington Post газетаси сайтида хабар берилди.



2014 UZ224 митти сайёраси Кўёшдан 91 астрономик бирлик узоқлигидан ҳаракатланмоқда. У 1136 йилда Кўёш атрофини тўлиқ айланиб чиқади. Диаметри эса 420-1180 километрни ташкил қилади.

МИГРАЦИЯГА

ҚАРШИ

КУРАШИШ

режаси ишлаб чиқилди

Германия ва Швейцария чегараларида миграцияга қарши назоратни кучайтириш бўйича режа ишлаб чиқилди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.

2016 йилнинг январидан августигача 4,5 минг марта чегарани ноқонуний кесиб ўтиш ҳолати қайд этилди. Чегараларда назоратни кучайтириш бўйича тузилган режага кўра, чегарадан ўтаётган ҳар бир шахснинг келиб-қетиши назоратга олинади, ушбу хизмат ҳодимлари ошери эса бир неча маротаба оширилади.

Шу йўл билан муҳожирларнинг тўхтовсиз келишини камайтириш кўзда тутилган.

18 ОКТЯБРЬ — САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА
ВА БОЛА ЙИЛИ

«Туркистон» саройида оила муносабатларини мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажралишларнинг олдини олиш мавзуга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ ВА АХИЛ ОИЛА МЕВАСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлари, шаҳар прокуратораси, ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш бosh бошқармалари вакиллари, Фуқаролик суди Тошкент шаҳар ва туманлараро судлари раислари, суд ижро департаменти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари иштирок этган тадбирда оилавий ажралишлар юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилмаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд долзарб масалаларни бартараф этиш йўллари таҳлил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, маънан етук, жисмонан соғлом фарзандларни вояга етказишга қаратилган эзгу ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Тадбирда оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан тугилмаётган бахслар, айрим хонадонлардаги нотинч ҳудуд оқибатдаги ажралишлар жиддий эътиборни талаб қилувчи ҳолат эканлиги қайд этилди.

Маъруза масаланинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан ишчи гуруҳлар йиғилишлари, ажралишлар кўпайган туманлар таҳлиллари ўтказилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида пойтахтимизда 9 ойда ажралишлар 2015 йилга нисбатан 144 тага камайган.

Йиғилишда оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар инobatга олиниб, Тошкент шаҳрида оила муносабатлари муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилди.

— Айрим ёшларнинг мол-дунёга ружу қўйиши, оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, кайнона-келин зиддиятлари оилавий ажралишларга сабаб бўлмоқда, — дейди Тошкент шаҳар «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари Гулнора Йўлчиева. — Ажралиш оилани парокандаликка олиб келади. Ижтимоий ҳафли жиноятлар содир этаётган аёллар ва вояга етмаган болалар асосан ана шундай оилалардан экани кузатилмоқда. Оилавий ажралишларнинг олдини олиш учун маҳалла, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, профилактика нозирлари, тиббиёт ходимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ҳамкорлиги янада кучайтирилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Азиза ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.



ЎЗА суратлари.

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов 1996 йил 18 октябрь кун
Самарқандда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида шаҳарга шундай таъриф берган эди

Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанд нафақат қудратли давлат пойтахти, балки том маънода Шарқнинг энг гўзал шаҳари, Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий, сиёсий, маданий маркази бўлган. Буюк саркарда бу ерда ҳашаматли саройлар, масжид ва мадрасалар қурдирган. Ўнлаб боғ-саройлар, майдонлар, ҳовузлар, фавворалар, кўчалар барпо этган. Деҳқончилик ва боғдорчилик ривожини учун ариқлар қаздирган, зироатчиларга қўллаб-енгиллик ва имтиёзлар берган. Натижада бу даврда Самарқанд том маънода гуллаб-яшнаган. Аҳоли тинч-осойишта, фаровон ҳаёт кечирган.

Амир Темур саройида бўлган ислон элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз эсдалик-ларида шундай ёзади: «Бу ерда нон, гўшт, мева-чевалар, паррандалардан тортиб ҳамма нарса мўл-кўлдир. Нон шу даражада арзонки, ундан арзон бўлиши мумкин эмас, гуруч эса ҳайратланарли даражада кўп. Бу шаҳар ва унинг зами-ни шу даражада бой, саховат-лики, ҳайрон қоласан киши».

Мирзо Улуғбек асос солган астрономия мактаби туфайли Самарқанд йирик илм-фан ўчоғига айланган. Буюк олим ва давлат арбоби бу ерда улкан мадраса бунёд этиб, илм аҳлига ҳомийлик қилди, улар-ни қўллаб-қувватлади. Ушбу мактаб вакиллари бўлган Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи каби олимлар фалакиёт ва математика фанлари ривожига бе-қикс ҳисса қўшди. Жаҳон му-тоз адабиётининг йирик намо-надалари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам Самарқандда таълим олиб, уни ўз асарларида гўзал та-рих билан таърифлаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Рубои масқунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Самарқанд шаҳри ажаб орас-та шаҳредур...» деб ёзган.

Ўзбекистон Республикаси-нинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг алоҳида эътибори ва фарзандлик меҳ-ри туфайли истиқлол йилла-рида Самарқанднинг асл та-рихий қиёфасини тиклаш, са-лоҳиятини юксалтириш бора-сида беқикс ишлар амалга оширилди. Амир Темур тавал-лудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкор-лик ва ободонлаштириш иш-лари амалга оширилди. Ша-ҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли ҳай-ни қад ростлади. Амир Темур макбараси атрофида кўркам хиёбон ташкил этил-ди. Мирзо Улуғбек мадраса-си қайта таъмирланди.

2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида халқаро миқёсда кенг нишонланди. Ушбу кўтлуг тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллаш-ди. Барпо этилган ўнлаб иж-тимоий-маиший иншоотлар — таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт масканлари ва меҳмонхона-лар, магистрал йўллар, кўркам боғу хиёбонлар Самарқанд

аҳолиси ва меҳмонларига ҳар томонлама муносиб шароит яратиш баробарида, қадим шаҳар кўркамга кўрк қўшди.

Амир Темур, Рухобод мак-баралари, Регистон майдони, Ҳазрати Хизр ва Бибиҳоним масжидлари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек ра-садхонаси қайта таъмирланди. Уларни бир-бири билан боғлайдиган кичик халқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳолиси ва сайёҳлар учун кат-та қулайлик яратди.

Самарқанднинг ҳаҳон илм-фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган улкан ҳисса-си эътиборга олиниб, 1996 йил-да Президент Ислон Каримов-нинг фармонида кўра, Самар-қанд шаҳри Амир Темур орде-ни билан мукофотланди. 18 ок-тябрь кун шаҳарда Амир Те-мур ҳайкалининг тантанали очи-лиш маросими бўлиб ўтди ва унда Биринчи Президентимиз ушбу орденни шаҳар байроғи-га қадаб қўйди ва бу кунни Са-марқанд кун сифатида нишон-лашни тақлиф этди. Шундан буён ҳар йили ушбу сана юр-тимизда кенг нишонланмоқда.

— Ўша тантанали маросим-да Юртбошимиз катта қувонч ва ғурур билан гапиргани ҳали-ҳамон кўз ўнгимда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. — «Самарқанд — халқимиз, мил-латимиз довуғини бутун дунё-га таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий маскани-миздир. Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугунги саодатли, келажаги абадий шаҳардир», деганида барчамизнинг қалби-ни буюк инсонларга бешик бўлган шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фаҳр-ифтихорга тўлган эди.

Ислон Каримов ҳар доим Самарқанд ҳақида сўзлагани-да шу азиз юртва бўлган чексиз

меҳр-муҳаббати, фарзандлик садақатини ифода этарди. Бу садақат шаҳарни янада обод қилиш, унинг тарихий улғувор-лигига муносиб замонавий қиёфасини яратишга бўлган улкан бунёдкорлик ишларида яна ҳам яққол намоён бўлар-ди. Шунинг учун мустақиллик-нинг илк йилларида Самар-қандда мисли қўрилмаган қури-лиш-ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Улуғ аждод-ларимиз номи билан боғлиқ масканларни обод қилиш, та-рихий-меъморий обидаларни тиклаш-таъмирлаш, янги боғ ва хиёбонлар ташкил этиш, ша-ҳарнинг транспорт коммуника-ция тизимини янгилаш, ин-фратузилмасини замон талабла-ри даражасига келтириш бо-расида узоқ истиқболга мўл-жалланган дастурлар асосида иш олиб борилди.

Ана шу бунёдкорлик иш-лари туфайли бугун Самар-қанд яна Амир Темур даври-дагидек ер юзининг сайқали-га, йирик халқаро анжуман-лар, сиёсий мулоқотлар, ма-даний тадбирлар ўтказилади-ган марказга айланган. Инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаса бир марта бориб кўриши шарт бўлган дунё-даги 50 шаҳар қаторидан жой олди.

Биринчи Президентимиз-нинг ташаббуси, ғоя ва лойи-ҳалари асосида Самарқандда бошланган ишлар бугун изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилда шаҳарнинг 66,3 кило-метр бўлган 50 кўчасини таъ-мирлаш ишлари амалга оши-рилмоқда. Йўллар кенгайтири-либ, атрофдаги турар-жойлар ва бошқа иншоотлар шаҳар бош режаси асосида рекон-струкция қилинмоқда. Коммуни-кация тармоқлари янгилана-ётир. Шаҳар ҳавоси мусо-фалигини таъминлаш ва ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

СПОРТ

Шу кунларда Баҳрайн-да футбол бўйича ёшлар (U-19) ўртасида Осиё чемпионати финал бос-қичи қизғин давом этмоқ-да.

Дастлабки ғалаба

Мусобақанинг «Д» гуруҳи-да қатнашаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси даст-лабки турда Тожикистон фут-болчилари билан куч синаш-ди. Гарчи учрашувнинг 20-да-қиқасида тожикистонликлар ҳисобни очган бўлса-да, ик-кинчи бўлимда ҳамюртлари-миздан Саиджамол Давлатжон-нов ҳамда Жасур Яхшибоев киритган голлар эвазига му-ҳим уч очко қўлга киритилди — 2:1.

— Энди бор эътиборимиз-ни Австралия терма жамоа-сига қарши бўладиган ўйинга жиддий тайёргарлик қўришга қаратамиз, — деди Ўзбекис-тон ёшлар терма жамоаси бosh мураббийи Жасур Абдураимов.

Гуруҳдаги иккинчи учра-шувда Хитой ёшлари австра-лиялик тенгдошларига имко-ниятни бой берди — 0:1.

Тақвимга кўра, бугун Ўзбекистон ёшлар терма жа-моаси Австралия футболчилари билан куч синашса, ик-кинчи баҳсда Тожикистон — Хитой жуфтлиги майдонга ту-шади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ магистри.

ЭЪЛОН



Даврий нашрларга
Ўзбекистон
Республикаси
худудидаги барча
почта алоқа
бўлимлари орқали
обуна бўлинг!

Тел.: 233-57-47, 233-08-34.
e-mail: gayazova@post.uz
«Ўзбекистон почтаси» АЖ

2017 йил учун ОБУНА
МАВСУМИ БОШЛАНДИ.

Газета, журнал ва почта мар-каларига обуна бўлинг!
Тел.: 233-57-47, 233-08-34.
e-mail: gayazova@post.uz
«Ўзбекистон почтаси» АЖ

Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ва-сийлик кенгаши ва бошқаруви жамоат фонднинг Наманган вилоят ваколатхонаси раиси, Ўзбекистон Қарамони
Дилбар АҚРОМОВАнинг вафоти муносабати билан мар-ҳуманинг оила аъзолари ва ақин-ларига чуқур таъзия изхор этади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти жамоаси тахрир на-шриёти бўлим бошлиғи, филоло-гия фанлари номзоди, доцент
Саломатидин ХАЙИТОВнинг вафоти муносабати билан мар-ҳуманинг оила аъзолари ва ақин-ларига чуқур ҳамдардлик бил-диради.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Saidkamol

Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV

XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihidin

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059

8798

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:37

Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusallim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZOROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5 6